Ушбу сонда:
2 ҒОЛИБ ФЕРМЕРЛАРГА касаба уюшма мукофоти
3 TV — ДАСТУРИ
4 «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари АЯ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 сентябр, шанба № 143 (1157)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ МАКТАБЛАР

***Зомин туманидаги «Молгузар» ижара ширкатлар бирлашмасида 240 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.***

Жиззах туманидаги Ҳ.Олимжон номидаги ижара ширкатлар бирлашмасининг «Тоқчилик» маҳалласи ўқувчи-ёшлари ҳам янги ўқув йилини «Арслон» хусусий фирмаси қурувчилари томонидан туҳфа этилган 240 ўринли янги мактаб биносида бошлади.

Айни пайтда вилоятда 527 та мактаб бўлиб, ушбу ўқув даргоҳларида 253 минг ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларга 19 мингдан зиёд ўқитувчи турли фанлардан сабоқ беради.

**(ЎзА).**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябр куни Оқсаройда Россия Федерациясининг пойтахти - Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Россиянинг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигида ушбу мамлакатнинг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлмиш Москва шаҳри катта ўрин тутишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, айни пайтда Ўзбекистондаги кўплаб корхоналар ва ташкилотлар Москва шаҳри билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Россия пойтахтида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг «ЎзАВТО» ҳамда «ЎзДЭУ марказ» деб номланувчи ваколатхоналари ишлаб турибди. 2000 йилнинг ўзида ушбу ваколатхоналар орқали Асакадаги заводда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллардан 5144 дона сотилди. Бундан ташқари, юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат маҳсулотлари Москвада анча харидоргир ҳисобланади.

Ўз навбатида, Москва шаҳри корхоналари мамлакатимизга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда ёғоч маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Президент Ислом Каримов бундай кенг кўламли ҳамкорликка юқори баҳо берар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, Ю.Лужковнинг юртимизга ташрифи боис ушбу масалани муҳокама этиш учун қулай фурсат яратилганини таъкидлади.

Меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ўзбекистонлик ва москвалик ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат Москва шаҳри, балки бутун Россия учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

***Суратда: қабул пайти.***
**Д. ЮСУПОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

# ОСИЁ БАНКЛАРИ УЮШМАСИ 18-БОШ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Бош йиғилишнинг муҳтарам қатнашчилари!*

*Осиё қитъасидаги банкларнинг ғоят нуфузли анжумани иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси пойтахти - Тошкент шаҳрида қутлаётганимдан шодман.*

*Осиё Банклари уюшмасининг Бош йиғилиши давлатимиз учун шонли бир пайтда - Мустақилликнинг ўн йиллиги нишонланаётган вақтда ўтаётганлиги Ўзбекистон истиқлол йиллари мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва аввало иқтисодий соҳада жамиятни янгилаш ҳамда иқтисодий ислоҳ қилишнинг ўз моделини рўёбга чиқариш асосида эришган яққол тараққиётни халқаро ҳамжамият кенг кўламда эътироф этганлигидан яна бир бор далолат беради.*

*Таркибий ўзгартиришлар ва миллий иқтисодиётнинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий омили сифатида ривожланган ва барқарор банк тизимини вужудга келтириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.*

*Ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос келадиган барқарор, икки босқичли банк тизими шаклланди. Тижорат банкларининг кенг тармоғи барқарор ишлаб турибди, уларнинг кўпчилиги жаҳондаги етакчи банклар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Ўзбекистонда бир қанча халқаро ва хорижий банкларнинг, чунончи Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Сосьете Женераль, Чейз Манхэттен банк, Кредит Свисс, Мейбанк, Дойче банк, Берлинер банк, Сумитомо-Мицуи банк ҳамда бошқа банкларнинг ваколатхоналари очилган ва улар самарали фаолият кўрсатмоқда.*

*Шуни мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиманки, Осиё Банклари уюшмасидан меҳмонларни қабул қилиб олаётган, Мустақиллигимизнинг тенгдоши бўлган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки халқаро молия бозорларида Ўзбекистон манфаатларини ишончли ва дадил ифода этиб келмоқда.*

*Ўзбекистон банкларининг Осиё Банклари уюшмаси билан ҳамкорлиги «Буюк Ипак йўли» замонлариданоқ боғланган бизнинг қадимий чуқур алоқаларимиз қайта тикланганлиги рамзи бўлиб, Осиё қитъасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, инвестициялар ва замонавий ғояларни ҳаракатга келтириш ишига хизмат қилажагига ишончим комил.*

*Бош йиғилишнинг қатнашчиларига самарали ишлашларини ҳамда янги юз йилликда халқаро банк ҳамкорлигини чуқурлаштириш ишида муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

«Ассалом» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Раҳматов «Бовурдоғ» қишлоғида кичик консерва заводи қурди. Завод ишга тушдию Хатирчи тумани далаларида мева-сабзавот етиштираётган соҳибкорлар исрофгарчиликдан қутулди. Бу ерда 10 хилдан ортиқ консерва маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

- Биз вилоят марказидаги «Навоийшаробсавдо» корхонаси ва бир қанча хорижий фирмалар билан шартнома тузганмиз, шунингдек, заводда қайта ишланаётган мева-сабзавотларни, биринчи навбатда, касалхона, мактаб ва болалар боғчаларига етказиб беряпмиз, - дейди фермер Б.Раҳматов.- Ҳозиргача 1 миллион 500 минг дона шартли банка маҳсулот ишлаб чиқардик. Йил охиригача уни 3 миллион донага етказамиз.

Ўтган йили заводдан 10 миллион сўм соф фойда олган тадбиркор бу йил 15 миллионни кўзлаб турибди. Қолаверса, «Ассалом» фермер хўжалигининг 22 гектар майдондаги деҳқончилиги ҳам чакки бўлаётгани йўқ. Айни пайтда фермер хўжалигида 50 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қиляпти.

Тадбиркор йигит мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан 15-ўрта мактабнинг 10 нафар аълочи ўқувчисига 1000 сўмдан стипендия беришга қарор қилди. Янгидан қурилган 81-ўрта мактабни оталиққа олди. Қишлоқдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган беш оилага ва ўз ишчиларига ярим тоннадан буғдой тарқатди. Шунингдек, «Ассалом» футбол жамоасини ташкил этиб, ўзи ҳомийлик қилмоқда. Ҳозирда бу жамоа вилоят биринчилигида туман шарафини ҳимоя қилмоқда.

Б.Раҳматовнинг режалари катта. Кичикроқ бўлса ҳам, чорва фермаси ташкил қилиш нияти бор. Шу мақсадда 50 та қорамол сотиб олди. Иш билганга минг танга, деганлари шу бўлса керак.

**(ЎзА).**

***Чет эллик таниқли сиёсатчилар ва жамоат арбоблари, публицист ва тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ва унинг раҳбари шахсига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хорижий мамлакатларда Ватанимиз тарихи ва унинг истиқлол йилларидаги тараққиёти тўғрисида кўплаб салмоқли тадқиқотлар яратилаётгани, сермазмун китоблар чоп этилаётгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.***

# «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА»

Россиядаги машҳур «Вагриус» нашриёти «Узбекистан на историческом повороте» («Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида») номли китобни босмадан чиқарганлиги тўғрисида яқинда матбуотда хабар қилинган эди. «Ўзбекистон» нашриёти мазкур китобни мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами арафасида ўзбек тилида кўп минг нусхада чоп этди.

Китоб муаллифи халқаро илмий доираларда «билимдон олим ва нозиктаъб тадқиқотчи» сифатида танилган, ҳуқуқ назарияси бўйича мутахассис, юридик фанлари доктори, профессор Леонид Левитиндир. У Германияда истиқомат қилади.

Таниқли хорижлик олим Ўзбекистон мавзуига бот-бот қўл ураётганининг боиси нимада, деган савол туғилиши табиий. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Аввало, Ўзбекистон менга ҳам жуда қадрдон. Мен у ерда яшаганман, ўқиганман, олий маълумот олганман. Энг юксак мезонлардан келиб чиқиб айтганда, мен ўзбек халқидан ўзим эришган кўп нарсалар учун қарздорман».

Россиянинг таниқли сиёсатчиси, академик Александр Яковлев мазкур асарга ёзган сўзбошисида бу китоб «ўзининг маърифий аҳамияти ва ўзаро чамбарчас боғланиб кетган тарихий воқеаларга бойлиги, ечимини топиш ғоят қийин бўлган муаммоларни ўртага қўйиши билан кишини ҳайратга солиши»ни алоҳида таъкидлаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятни барқарорлаштирувчи мавқеи, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, яъни ўтмишни келажак билан боғлаш асосида мамлакатни модернизация қилиш - замонавий тарзда тараққий эттириш йўлини танлагани, Ўзбекистондаги анъанавий ва замонавий маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ажойиб самаралари ҳақидаги фикрлари, шунингдек, миллий муаммолар билан боғлиқ қарашлари асар муаллифи томонидан холисона ва теран таҳлил этилгани ғоят эътиборга моликдир.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакат диний фундаментализм билан курашда дунёвий тараққиётнинг таянчи бўла оладими? Ўзбекистон минтақада иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан етакчилик даражасига кўтарилиши имкониятига қўшнилар акс-садоси қандай бўлади? Муаллиф мана шундай ва бошқа саволларга республиканинг бугунги куни ва ўтмишига мурожаат этган ҳолда аниқ-равшан жавоблар топади.

Шуниси эътиборлики, муаллиф ўзининг шахсий кузатишлари ва давлатнинг биринчи шахси билан кечган мулоқотларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Президентининг нуқтаи назарлари ҳамда унинг шахс сифатидаги қиёфасини рўй-рост очиб беришга, айни вақтда, «Президент Каримовнинг сиёсий арбоб ва шахс сифатидаги устуворликларини ифода этувчи мақсадлари»нинг тарихий аҳамиятини янада ёрқинроқ кўрсатишга муваффақ бўлган. Асарда Ислом Каримов ўқувчилар кўз ўнгида нафақат муқобили йўқ етакчи, қатъиятли, иродали, чуқур билимга эга раҳбар, шу билан бирга камтарин инсон, «фитна ва муваффақиятга, каттароқ лавозимга ёки яна қандайдир фойдага эришишнинг қинғир-қийшиқ йўлларига мутлақо тоқатсиз» арбоб сифатида ҳам намоён бўлади.

«Мен Каримовни асл сиёсий йўлбошчи дея атар эдим», деб хулосалайди Левитин ўз фикрини.

Ушбу нашрнинг алоҳида бир қисми 2000 йил январида бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловига бағишланган. Ўшанда Леонид Левитин халқаро кузатувчи сифатида бу жараёнга шахсан гувоҳ бўлган эди. Бу мавзуда сўз юритиб «Менинг сайловлар эркин ва ҳалол ўтди, дейишга тўла асосим бор. Чет эллик кузатувчиларнинг бирортаси ҳам бошқача фикр айтмади», - деб таъкидлайди Левитин.

Китобдаги асосий мавзулардан яна бири - конституциявий давлатнинг барпо этилиши ва унинг истиқболларига бағишланган. Муаллифнинг айни мана шу масалага қизиқиши бежиз эмас. Бу, ҳар қандай собиқ совет мамлакатида замонавий Конституция яратиш - дастлабки модернизация натижалари, келажакдаги сиёсий янгиланишларнинг асоси эканлигини тушуниш билан боғлиқдир. Чунки Конституция жамиятдаги барча нормаларнинг асосий негизидир.

«Ўзбекистоннинг ёруғ келажак сари йўли олис ва машаққатли бўлишига шубҳа йўқ, - деб ёзади муаллиф асар хотимасида. - Президент Каримов ва унинг сафдошлари мамлакат тарихининг буюк бурилиш нуқтасида ўзлари танлаб олган ислоҳотлар йўлидан бундан буён ҳам дадил одимлаб боришлари учун уларга куч-қувват, ирода ва жасорат тилаймиз».

**(ЎзА).**

# ШОФИРКОНГА ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Шу пайтга қадар Шофиркон шаҳрининг қарийб 14 минг аҳолиси артизан қудуқлар сувини истеъмол қилар, қаттиқлик даражаси меъёридан тўрт баравар юқори бўлган бу сув эса ҳазми оғир ҳисобланар эди.

Эндиликда Шофиркон шаҳри аҳолиси Самарқанднинг зилол сувидан баҳраманд бўлмоқда. Дамхўжа-Бухоро сув йўлидан Шофирконгача 12 километрли қувур ётқизилди. Бир кеча-кундузда 8 минг куб метр сувни кўтариб берадиган насос станцияси қурилди. Қурилиш-монтаж ишларига қарийб 25 миллион сўм сарфланди.

Шофирконга келтирилган сувдан шаҳар атрофидаги Бобур ҳамда Н.Ҳамроев номидаги ширкат хўжаликлари аҳолиси ҳам фойдаланмоқда.

**(ЎзА).**

# БЕКОБОД ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

*Аввало, барчангизни, мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлган Бекобод цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг етмиш беш йиллик тўйи билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Мана шундай унутилмас кунда ўз тарихи, қутлуғ анъаналари ва катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган бу корхона Ватанимиз халқ хўжалигининг равнақида ҳамиша муносиб ўрин тутиб келганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.*

*Айниқса, мамлакатимиз ҳудудида қад кўтараётган саноат корхоналари, турар жойлар, маданий-маиший иншоотларнинг қурилишида сиз меҳнат қилаётган бирлашманинг улкан улуши борлиги алоҳида аҳамиятга эга.*

*Ҳозирги кунда шаҳарларимизда, қишлоқларимизда қурилаётган иншоотларнинг замонавий, пишиқ ва кўркам бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қурилиш ашёлари саноатини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани бунинг яққол далилидир.*

*Бирлашманинг кўп миллатли жамоаси, унинг заҳматкаш ва фидойи ишчи-хизматчилари эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилиб, ибрат бўлгулик натижаларга эришаётгани ҳаммамиз учун қувончлидир.*

*Ишончим комилки, бозор муносабатлари шароитида, эркин рақобат муҳитида, янги технологиялар асрида сизларнинг куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз туфайли «Бекободцемент» янада қудратли, замонавий корхонага айланади.*

*Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-барака, ишларингизга муваффақият тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

***Қонун барча учун баробар***

***Музработлик Абдимурод Холбоевнинг бир неча папкага жо бўлган жиноий иши Термиз шаҳрида айнан Қашқадарё вилоят суди очиқ мажлисида кўрилганлигининг боиси нимада эди? Нима учун Сурхон воҳасида зиддиятларга, жумбоқларга тўла аслида эса, оддий ҳақиқат бутун салобати билан мана-ман деб турган мазкур ишни кўриб чиқишда адолат мезонлари эътибордан четда қолди?***

# ТУҲМАТ БАЛОСИ

*** суд очерки ***

Бу ҳақда бироз кейинроқ тўхталамиз, ҳозир эса судланувчига қўйилган айб хусусида бир оғиз сўз. Дастлабки тергов пайтида у шахсини аниқлаш имкони бўлмаган фуқародан номаълум суммада 1 кило 645 грамм гиёҳванд моддаси «опий»ни харид қилиб, бойлик орттириш мақсадида уни қайта сотиш билан шуғулланиб келганликда ва бошқа оғир жиноий қилмишларни содир этганликда айбланган.

Бундай айбловни ўқиган ёки эшитган кишида айбдорга нисбатан чексиз нафрат уйғониши табиий. Аслида ҳам шундай бўлганмиди? Келинг, яхшиси, суд жараёнида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Холбоевнинг ўз айбига иқрор бўлмасдан, ўзининг ҳақлигини исботлашга уриниб айтган сўзларига эътибор қилинг.

— «Кечқурун соат 19.30 ларда ўн нафардан ортиқ киши уйимизга келиб, тинтув ўтказишларини айтишди. Бу ишни улар менинг хонамдан бошлаб, кейин ўғлимнинг уйига ўтишди. Ҳеч нарса топишолмагач, эшиги йўқ кўмирхонага ўтиб, кўмир устидан йўл халтасига солинган целлофанлар ичидан гиёҳвандлик моддасига ўхшаш нарса топишди. Улар мендан бунинг нималигини сўрашди. Мен бу халтани энди кўриб турганлигим, шу боис уни тиббий экспертизадан ўтказиб, қўл изларини текшириб кўришлик бу «ўйинни» Х. Ҳамроевдан бошқа ҳеч ким қилмаслигини баён этдим. Ҳатто изтопар «Бренди» лақабли ит ҳам рўй берган ҳолатга нисбатан бирон ишора билдирмади. Буларнинг ҳаммаси видео тасмага туширилди. Мен бундай ҳаром иш билан тушимда ҳам шуғулланмаганман. Шу сабабли улар нималарнидир ёзиб-чизган ҳужжатга қўл қўймадим...».

Ҳурматли ўқувчида ортиқча саволларга ўрин қолдирмаслик ниятида Х.Ҳамроевнинг исми-шарифи юқорида нима учун алоҳида зикр қилингани сабабини қисқача изоҳласак. Гап шундаки, у туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида, А.Холбоев эса унинг қўл остида назоратчи вазифасида ишларди. Ораларидан қора мушук ўтиб қолишига раҳбарнинг давлатнинг ярим миллион сўмликдан зиёд маблағини ўзлаштириб юборгани ва бошқа ғайриқонуний қилмишлари тўғрисида назоратчининг юқори органларга ёзган шикоят хати асосий сабаб бўлди. Гапнинг нафсиламбрини айтганда, ҳар қандай виждонли одам ҳам худди шундай йўл тутган бўларди. Табиийки, буларнинг барчасидан мудирнинг хабари бор ва қулай пайт келишини кутарди. Шундай вақт келганини у дастлаб А.Холбоевни ноҳақ ишдан бўшатиш билан исботлаб берди. Кейин кенжа қизи Нилуфарни олиб қочиш ва 50 кун тутқунликда сақлаб турилишига сабабчи бўлди. 1999 йил 17 феврал, яъни судланувчи уйи тинтув қилинишидан 23 кун аввал ўғли Алишернинг уйига ўт қўйилгани каби далилий ашёлар А.Холбоевда «Барча мудҳишликлар ўз мудирининг қасддан ўч олаётгани» тўғрисидаги тўхтамга келишига асосий туртки бўлди. Қисқаси, ўз ва оила аъзолари шаъни, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида у Музработ тумани мутасадди ташкилот, идораларига мурожаат этди.

(Давоми 2-бетда).



Гўзал қалб эгаларигина ҳақиқий санъат ихлосманди бўлиши мумкин. У инсондан нозик дидни талаб қилади. Тўғри, бугунги кунда суратга олиш ва ишлаш оддий бир ҳол. Лекин уни санъат асари даражасига олиб чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шаҳрисабзлик Фаёза Ҳидоятова ана шундай истеъдод эгаларидан. У фаолият кўрсатаётган «Қобул Co Ltd» фирмаси Шаҳрисабз аҳолиси ва меҳмонларини гўзал тасвирларга жо этишда алоҳида намуна бўлиб келаяпти.

Шавкат СУЛТОН
сурат лавҳаси.

## "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиблари

***Ўтган аср ўзбек ижрочилик санъати ҳақида сўз кетганда беихтиёр хаёлимга Лутфихон ая Саримсоқова келади. Унинг ёнида жуда кучли актёрлар бўлиб, биргаликда жаҳон миқёсида ҳавас қиларлик ижодий муҳитни яратган эдилар. Асад Исматов ва Етим Бобожонов, Ҳикмат Латипов ҳамда Эътибор Жамилова... Лекин саҳнада, экранда ўзбек аёли тимсолини яратиш борасида аямизга тан бермаган киши йўқ эди. Унинг меҳрли нигоҳи, ёқимли табассуми, орзу-умидлари намоён бўлган маъноли кўзлари ҳар биримизнинг ёдимизда. Кимё («Нурхон»), Фотима («Сен етим эмассан»), Меҳри хола («Маҳаллада дув-дув гап») кекса ва ўрта авлодни хотирасида ўчмас из қолдирган. Ёсуман-чи? («Фарҳод ва Ширин»), Ася-чи? («Аршин мол олан»), йўқчилик, жазирама офтоб, сувсизлик туфайли ҳолдан тойган, телбаларча кимсасиз қолган қишлоқни кезиб юрадиган аёл-чи («Фарзандлар»)...***

# АЯ

Ҳар гал аямизнинг Кўкча даҳасидаги, кейинчалик «Чорсу» ва «Тинчлик» бекатининг ўртасидаги хонадонларига йўл олганимда бу санъаткорнинг халқимиз орасида шуҳрат қозониши сабаблари ҳақида кўп ўйлардим. Саволимга ўзимча жавоб ҳам топардим: аямизнинг Маннон Уйғурдек, Ҳамзадек устозлардан сабоқ олганлиги... Сарвқомат Лутфихонимнинг гўзал ташқи кўриниши... Бу ижрочининг хуш овози, актёрлик техникасининг мукаммаллиги... Атрофида Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон Ғофуров, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Мукаррама Турғунбоева каби актёрлар, хонандалар, рақкосалар бўлганлиги... Шу каби фикрлар ўтади-да, яна аямизнинг ранг-баранг қаҳрамонлари кўз олдимда гавдаланади. «Аршин мол-олан» комедиясида барча ролларни (жумладан, Султонбек ролини ҳам) ўйнай олган, ҳар гал пьеса ёки сценарийдаги образларни адабий жиҳатдан қайта идрок этиш, уларни қайта ёзиш, тўлдириш, сўнгра ижро этиш учун йиллар давомида орттирилган бой тажрибадан келиб чиқиб синовдан ўтган ижрочилик йўллари воситаларини қайта қўллашдан воз кечиб ҳар гал янги бўёқлар, янги ижрочилик техникасини излаш, топиш, қўллаш учун катта санъаткор, талабчан шахс, улкан талант ва заковат соҳибаси бўлиш керак эди, албатта. Бундай санъаткор учун рол ўйнаш, режиссёрни қаноатлантириш аслида қийин эмас. Матн ёдланади, бир-икки машқ қилиб ўйналади. Вассалом! Лекин ая бундай қилмасдилар. Умр бўйи бадиий хазиналарини тўлдириб борар эдилар... «Анави аёлнинг рўмол ўраши ишчанлигини, ғайратини кўрсатади», «мана бу аёлнинг қадам ташлаши, гапириши мароми унинг вазминлигини, ишни шошмай пухта қилишини кўрсатади», «кўча ўртасида «ая», «ая» деб кетаётган ёш жувонга қаранг — сочлари мажбуран кесилган кўринади, нигоҳида бир маъно йўқ, хатти-ҳаракатлари бетартиб...» — Бундай таъриф ва тавсифни ая ҳар бир йўловчига бера олар эдилар. Шу хатти-ҳаракат, имо-ишора, либос, сўзлаш оҳанги спектаклдаги, фильмдаги ролларни ўйнаш жараёнида ёрдам беришини аямиз неча қайта айтар, ҳатто муайян мисоллар келтирар эдилар.

Бу мўътабар хонадонга бажонидил борардик, ширин суҳбат қуриб, узоқ ўтирардик. Аямиз дарҳол патнисда қант-қурс, кулча олиб чиқар, хушбўй чой дамлаб ҳар биримизга узатар, ҳамкасблари, устозларини ҳурмат ила тилга олар эди. «Шуҳратжон омон бўлсин (Шуҳрат Аббосов ҳақида), жуда талантли йигит кўринади. Зўр режиссёр бўлади-да», «Қудрат Хўжаев салбий қаҳрамонлар ролларини ўринлатиб ўйнайди-да, барака топсин», «Ҳотамжон чироқ қўяман, чиройли кадрда сизни оламан, деб одамни бироз қийнайди-ю, жуда дид-фаросатли оператор-да» (Х.Файзиев — «Сен етим эмассан» филмининг оператори ҳақида) каби самимий сўзларни айтардилар...

Ширинсўз аямизнинг хонадонлари ҳамиша гавжум бўлар, Ўзбекистоннинг етук санъаткорлари аямиз суҳбатида бўлишга ошиқар эди.

Бағри кенг, камтарин, сахий Лутфихоним Саримсоқова узоқ умр кўрдилар, бой ижодий мерос қолдирдилар. Ворис бахтли эканлигини, мустақил юртда яшаб ижод этаётганларини билсалар эди...

Ҳамидулла АКБАРОВ.



Архив

## ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



### Ним табассум

#### КЎНГЛИМ БУЗИЛИБ КЕТДИ

Афандининг хотини жўрттага унинг олдига қайноқ шўрва келтириб қўйди, лекин хотири паришон бўлиб, эридан илгари ўзи бир қошиқ ичиб, кўзидан ёш чиқди.

Афанди сўради:

— Нима бўлди?

— Раҳматли онам шўрвани яхши кўрар эдилар, онам эсимга тушиб кўнглим бузилиб кетди, - деди хотини.

Афанди ҳам шўрвадан бир қошиқ ичган эди, ўзининг ҳам кўзидан ёш чиқди.

— Нима бўлди? - деди хотини.

— Онанг ўлганида жуда ёш эдинг, шу эсимга тушиб, кўнглим бузилиб кетди, - деди Афанди.

#### БИРОР НАРСА БЕР

Бир куни кечаси Афандининг уйига ўғри кирди, ҳеч нарса тополмасдан чиқиб кетаётган эди, Афанди унинг кетидан чиқиб қичқирди:

— Бир нима бериб кетинглар, қуруқ чиқиб кетаверасизларми?

#### ОФТОБДА ЭРИДИ

Афанди ёшлигида отасидан олган жумалик пулларни ҳафтасига етказмасдан еб қўяр ва шунинг учун аксари сўкиш эшитар эди. Ёзда отаси Афандига бир танга жумалик бериб, тайинлади:

— Тўрт жумаликни оляпсан, энди бир ойгача сенга жумалик йўқ!

Бу гап Афандининг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқди, пулни эса икки кунда еб тамом қилди.

Учинчи куни чошгоҳ пайтида Афанди отасининг ёнида ўтирган эди, отаси куннинг иссиқлигидан нолиди:

— Ҳеч чидаб бўлмайди, агар одамнинг бадани темирдан бўлса ҳам, бу офтобда эриб кетар эди.

— Тўғри, дада, - деди Афанди, - кеча сиз берган бир тангани офтобга қўйган эдим, дарров эриб кетса бўладими.

### Бу ажиб дунё!

#### МАГНИТЛИ КАПТАРЛАР

Нью-Йорк штати (АҚШ) университетининг биологик олимлари каптарнинг бош қисмидан безга бой бўлган жуда увоқ, лекин магнитли тўқима топдилар. Шунга ўхшаш магнитли тўқима илгари асаларилар-да ҳам топилганди.

Ўтказилган тажрибалардан маълум бўлишича, каптарлар мўлжал олишда ҳаво очиқ кунлари қуёшга қараб йўл топса-да, умуман, кўп ҳолларда магнит майдонидан фойдаланаркан. Тўқима кучли магнитланиш хоссасиса эга, лекин ҳажми бир квадрат миллиметрдан ошмайди. У миядан ташқарида, кўз чуқурчасининг орқа қисмида жойлашган бўлиб, бир қанча асаб учлари ўтган. Бу асаблар парранданинг йўл топиш тизими таркибига кирадими, йўқми, ҳозирча маълум эмас.

Ғалати тўқима таркибида, афтидан, магнит деб аталувчи кучли даражада магнитланган минерал бўлса керак.

### Ҳикматлар

#### ҒАМСИЗ БЎЛМОҚ ТИЛАСАНГ

Ҳар кишининг билими бўлса-ю, унга лойиқ ақли бўлмаса, у билим (ўша кишига) зарар келтиради.

***

Сенинг тўғрингда халқ яхши гапиришини хоҳласанг, сен ўзинг халқ тўғрисида яхши гапир.

***

Агар ғамсиз бўлмоқ тиласанг, ҳасадлик бўлмагил.

***

Агар азоб-уқубатдан узоқ бўлишни истасанг, битмайдиган ишга қўл урма.

***

Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмаган ишни қилдим дема.

***

Айбсизлар қаторида бўлишни истасанг, таъмани кўнгилга олма.

***

Агар тилинг узун бўлишини тиласанг, қўлингни қисқа қил.

(«ҚОБУСНОМА»ДАН).

## КРОССВОРД

**ЭНИГА**: 1.Назмий асар ижодкори. 7.Пойтахтимиздаги оромгоҳ номидан «Боғи ...». 9.Ўзбек халқ достони. 10.Брокер фирмаси ходими. 13.Физик зарра. 15.Самарқанд вилояти тумани. 16.Миллий безак. 18.Жун газлама. 20.Тригонометрик функция. 22.Хоккей ўйини ватани. 23.Мазҳабдош халқ. 24.Ўйингоҳдаги кўрсаткич иншооти. 25.Миллий таом. 28.Сув ҳавзаси. 29.Қуш. 30.Сув йўли. 32.Рассомлик анжоми. 35.Греция таркибидаги орол. 36.Тригонометрик функция. 37.Маҳаллий аҳамиятга молик матбуот хабари. 38.Мустақил бўлган аниқ, нарса, ҳодиса. 39.Шойи тўқимачилари шаҳри. 41.Рангдор маъдан, заргарлик ашёси. 43.Отамнинг опаси ёки синглиси. 45.Ўрик нави. 48.Миллат. 50.Соҳадош корхоналар уюшмаси. 52.Ёқилғи тури. 54.Мафтун этувчи куч, манзара. 55.Шуҳрат, донг. 56.«Айёр» жонивор. 57.Бепанд. 60.Африкадаги давлат. 61.Саломатлик асоси. 62.Қирлик ер. 64.Япония таркибидаги орол. 66.Пичан қирқиш асбоби. 68.Узоқ шарқдаги шаҳар. 69.Ҳаво транспорти. 70.Ботир, қўрқмас. 71.Юк кўтариш техникаси.

**БЎЙИГА**: 1.Маҳаллий тил. 2.Сурат. 3.Дуккаклик экин донидан тайёрланадиган таом. 4.Шарафли касб. 5.Ёқилғи. 6.Ёпиқ эгри чизиқ. 7.Осиё жанубидаги давлат. 8.Мусиқа асари тури. 11.Спорт тури. 12.Сонни таркибий сон билан алмаштириш. 14.Овланадиган қуш. 17.Йирик буғдой нави. 18.Алмати яқинидаги спорт иншооти. 19.Ҳудудий бўлинма. 20.Даромаддан давлат ҳисобига ундириладиган тўлов. 21.Игнабаргли ўсимликда ҳосил бўладиган ёпишқоқ модда. 26.Чирмашиб ўсувчи гиёҳ. 27.XVI аср итальян файласуфи ва оташин шоири. 31.Кишилар билан муносабат, сўзлашув. 32.Тарози паллаларини тенглаштирувчи тош. 33.Миллий ширинлик. 34.Назмий асар. 35.Томонлари тенг шакл. 40.Италия футбол жамоаси. 42.Кучли шамол. 44.Пойтахтимиздаги бозор. 46.Ғарбий Осиёдаги тарихий вилоят. 47.Овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш маскани. 49.Тақсимотда ҳар бир кишига тўғри келадиган улуш. 50.Хитойдаги тоғлик. 51.Кўркам қуш. 52.Тропик ўсимлик. 53.Тожикистондаги тоғ қўриқхонаси. 58.Турли мақсадлар учун бунёд этилган бино ва жиҳозлар мажмуи. 59.Хорижий валюта. 62.«Шашмақом» таркибидаги куй. 63.Жанубий Африка Республикаси пул бирлиги. 64.Ёпиқ, тухумсимон эгри чизиқ. 65.Эркаклар исмига номдош ой номи. 66.Тўн четига тикилувчи безак. 67.Судралиб юрувчи жонивор.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ.



## АЙЛАНМА КРОССВОРД

***(газетанинг 29 август сонида чоп этилган) жавоблари***

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:**

1.«Нексия». 2.Авлоний. 3.Фарғона. 4.Ёрматов. 5.Қодиров. 6.Учқудуқ. 7.Қамчиқ. 8.Бухорий. 9.Муборак. 10.«Ҳуррият». 11.«Жасорат». 12.Оқ сарой. 13.«Ньюмонт». 14.Навоий. 15.Тўмарис. 16.Тўрткўл. 17.«Камолот». 18.Камолон. 19.Маҳалла. 20.Лутфий. 21.Сирдарё. 22.Депутат. 23.Пискент. 24.«Алпомиш». 25.Тинчлик. 26.Какайди.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар**: 1.Олтин. Улуғ. Маҳлиё. 2.Байроқ. 3.«Дўстлик». 4.«Дўстлик». 5.Юғнакий.

**Шеърий мисралар**: Тилларда бом ўйнар;
Кўкда ҳилол ўйнар,
Юртда иқбол ўйнар.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6